

АВЛОДЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ БОЛА ШАХСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Каримова Умида Кадировна

NORDIC халқаро университети магистранти

umidakarimova@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14575585>

Аннотация. Мақолада ижтимоий тасаввурлар концепциясидан келиб чиқадиган шахс ижтимоий тасаввурлари тизимида боланинг ўзи ва ўз фазилатлари түғрисидаги тасаввурлари, энг аввало, жамиятда тутажак ўрни ва мақомини белгиловчи муҳим механизм эканлиги, унинг мазмуни шахснинг нафақат ўзига, балки ўзга шахсларга бўладиган ижтимоий муносабатлари ва ижтимоий хулқининг асоси ҳисобланиши хақида сўз юритилади. Бунда қандай ижтимоий омиллар ва грухларнинг етакчи роль ўйнаши илм-фан нуқтаи назаридан муҳим эканлиги ғоясини асослашга бағишлиланган.

Калит сўзлар: она, гўдак, бола, ўз-ўзини англаш, “Мен” концепсияси, “Мен” образи, эмоционал реакция, гўдакка таъсир этувчи омиллар.

Аннотация. В статье говорится о том, что личность, вытекающая из понятия социального воображения, является важным элементом в системе социального воображения, определяющим представления ребенка о себе и своих качествах, прежде всего, его роли и статусе в обществе, содержание которых составляет основу социальных отношений и социального поведения личности, чему Бунда посвящена обосновывающая мысль о том, какие социальные факторы и группы играют ведущую роль, важны с точки зрения науки.

Ключевые слова: мать, младенец, ребенок, самосознание, понятие “Я”, образ “Я”, эмоциональная реакция, факторы, влияющие на ребенка.

Abstract. The article says that the person arise from the concept of social imagination, is an important element in the system of social imagination in determining the child's view of themselves and their qualities, primarily its role and status in society, the content of which is the basis of social relations and social behavior of a person, which the Bund is dedicated to justifying the idea of what social factors and groups play a leading role, important from the point of view of science.

Keywords: mother, infant, child, self-awareness, the concept of “I”, the image of “I”, emotional reaction, factors affecting the child.

Кириш.

Гўдакнинг ижтимоий муҳитга мослашиши, шахслараро муносабатларда ўз ўрнини топишида оила, оилавий муносабатлар, она-бала-ота учлиги ўртасидаги мулоқотнинг аҳамияти қанчалик катта эканлиги маълум. Бироқ бу масаланинг бир томони, бошқа томони эса гўдакнинг қанчалик физиологик жиҳатдан соғломлигига ҳам боғлиқ. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлатимиз томонидан оиласа тайёрлаш, оила қурилгунга қадар оила, соғлом она ва болаларга қаратилаётган эътибор юқорида таъкидланган болаларнинг ҳам физиологик, ҳам биологик, ҳам психологик жиҳатдан соғлом дунёга келишлари ва ижтимоий муҳитга жадал киришишларига замин яратмоқда. Зеро, соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади.

Адабиётлар таҳлили.

Авлодлар ўртасидаги муносабатлар бола шахсиятининг ижтимоий ва маънавий ривожида ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Ушбу жараёнда бир неча муҳим йўналишлар мавжуд. Хусусан, Эрик Эриксоннинг психосоциал ривожланиш назарияси[13] ва Ю.Л. Коломинскийнинг тадқиқотлари[4] оиланинг ва авлодлар ўртасидаги муносабатларнинг бола руҳияти ва ижтимоий қобилиятларига таъсирини ўрганишга бағишлиланади. Оиланинг ички муносабатлари, уларнинг барқарорлиги ва маънавий қийматларга

содиқлиги бола шахсиятининг шаклланишига муҳим таъсир кўрсатади. Бу борада В.А. Сухомлинский[6] ва А.В. Мудрикнинг[5] ишлари оиланинг намунавий роли ҳақидаги билимларни бойитади. Ҳозирги замоннинг технологиялари ва маданий ўзгаришлари авлодлар ўртасидаги муносабатларни жиддий ўзгартираяпти. Тоффлер[7] ва Ингелхартнинг ишлари[3] бу зиддиятларни аниқлаш ва уларнинг ижтимоий оқибатларини тушунишга ёрдам беради. Болани шакллантиришда миллий маънавий мерос муҳим аҳамиятга эга. Миллий қадриятларга асосланган тарбия жараёни бола руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади. А.Қ. Юнусова[14] ва Ўзбекистон миллий тарбия концепцияси бу йўналишда қимматли манбалар ҳисобланади. Авлодлар ўртасидаги муносабатлар бола шахсиятининг ижтимоий, маънавий ва интеллектуал ривожига сезиларли таъсир қиласди. Бу жараён оиланинг тарбиявий функциялари, миллий анъаналар ва замонавий тенденциялар билан узвий боғлиқдир. Тахъил қилинган адабиётлар бола шахсияти ривожида авлодлар ўртасидаги муносабатларнинг ўрнини чуқур ўрганиш имконини беради.

Методология.

Маълумки, боланинг шахс сифатида шаклланишига, унинг ижтимоийлашуви, яъни катта ҳаётга кириб бориши, одамлар орасида ўз ўрнини топишига хизмат қиласиган асосий омил оила ва оиладаги шахслараро муносабатлар эканлиги жуда кўп тадқиқотларда ўрганилганлиги манбаларда келтирилган. Бироқ оиладаги ота-она, эр-хотин, опа-сингил, ака-ука муносабатлари ҳамда она, ота, опа, ака, укаларнинг бола шахси шаклланиши ва ижтимоийлашувидаги роли алоҳида тадқиқот доирасида кам ўрганилган. Шу муносабат билан бола ижтимоийлашуvida она шахсининг аҳамияти ҳақида ўзимизнинг айрим мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топдик.

Бола туғилгунига қадар ва онтогенез даврида унинг шаклланиши ҳамда ривожланишида онанинг таъсири мавжудлиги маълум. Бола дунёга келиши жараёнида оиладаги шахслараро муносабатлар, яъни ота-она муносабатлари, айниқса, онанинг психологик ҳолати, унинг ҳомиладорликка нисбатан

муносабати мухим ҳисобланади. Онанинг ҳомиладорлик вақтидаги руҳий ҳолати бола шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатиши ҳам кўп тадқиқотлар натижасида исботланган. Бироқ аёлнинг руҳий ҳолати ҳомиланинг жинсига нисбатан ҳам турлича таъсир кўрсатиши, яъни ўғил болага нисбан бошқача таъсир кўрсатса, қиз болага нисбатан эса мутлақо бошқача таъсир кўрсатиши бугунги кунга келиб энди-энди маълум бўлмоқда. Яна шуни айтиш мумкинки, онанинг руҳий ҳолати қиз болага нисбатан ўғил болага кўпроқ таъсир қиласи ва бу бола туғилганидан кейинги даврларда ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Шунингдек, боланинг эмбрионлик ва туғилганидан кейинги ривожланишида она-бола ва катталар алоқасининг мустаҳкамлиги ҳамда она самимийлигининг болага таъсири масаласи тадқиқотчилар диққат марказида турган масалалардан бири ҳисобланади.

Натижалар ва таҳлил.

Шу ўринда XXI аср илм-фанининг диққат марказида бўлган онанинг руҳий ҳолати туғилажак болага унинг ҳаёт фаолиятига таъсир этиши масаласини ўзбек халқининг биргина “АЛП – ОНАДАН” деган нақли билан изоҳлаш мумкин. Бу ҳам бизнинг юқоридаги фикримизни исботлайдики, йигитлик фазилатларида ҳам алп-онанинг бевосита таъсири бўлади. Зоро, асрлар давомида шаклланиб, қадрланиб келаётган урф-одатларимиз, анъаналаримиз, қадриятларимиз, халқимизнинг кўп йиллик кузатишлари асосида шаклланиб келган бу нақлда онанинг руҳий ҳолати, хотиржамлиги унинг фарзандига меҳри натижасида том маънодаги, яъни ҳам биологик, ҳам физиологик ва айниқса, психологик соғлом фарзандни дунёга келтириш ва вояга етказишдек масъулиятли меҳнат яширганлигини кўришимиз мумкин.

Шарқ ва Ғарбий Европанинг кўпгина мамлакатларида фаолият олиб бораётган мутахассислар бола ривожланиши жараёнидаги дастлабки мулоқот бир киши билан – одатда онаси билан бўладиган мулоқотни гўдакнинг тўлақонли ривожланиши учун идеал деб ҳисоблашади. Бундай мулоқот меҳрга тўлалиги, ўйинлар ва интерактив диалогларга бойлиги билан ажralиб туради. Ушбу муаммо доирасида олиб борилган тадқиқот ва изланишлар натижалари

гўдаклик ва болалик давридаги жисмоний, биологик ҳамда психологик эркинлик боланинг шахс сифатида тўғри шаклланишига хизмат қиласиган асосий омиллар эканлигини қўрсатмоқда. Бундан ташқари, гўдакнинг онаси билан кечадиган дастлабки мулоқоти бувиси, буваси, опа-сингили каби кенг доирадаги мулоқотларнинг ҳам шаклланиши ва ривожланишига асос бўлиб хизмат қиласиди. Бола ривожланишининг дастлабки даврларида унга атрофдагиларнинг ғамхўрлиги жуда зарур. Шу билан бирга, бу муносабатлар қанчалик мулоқотга бой бўлса, бола шунчалик соғлом ва ўзига ишонч билан вояга етади.

Хуроса.

Бизнинг фикримизча, боланинг ўзи ҳақидаги тасаввурлари камдан-кам ҳолларда нейтрал, баҳосиз характерга эга бўлиб, ўзига эмоционал-қадриятли муносабат билан боғлиқ бўлади. Бу эса мактабгача бўлган ёш давомида “Мен” концепциясининг асосан аффектив, эмоционал-қадриятли таркибий қисмлари шаклланиши ва фақат бу даврнинг охирига келибгина когнитив соҳа ривожланиши бошланишидан дарак беради. Тавсиялар: болаларни эшитган ҳолда ўзингиз ҳам гапиринг; ўзингизга жабир етказманг – чунки сизга ёмон бўлса, болага ҳам яхши бўлмайди; болалар қанчалик айбдор бўлса ҳам, улардан юз ўтирганг.

Адабиётлар рўйхати

1. Блонский П.П. Педагогика и психология. – Москва: Госиздат, 1936.
2. Выготский Л.С. Развитие высших психологических функций. – Москва: Педагогика, 1982.
3. Ингелхарт Р. Modernization and Postmodernization: Cultural, Economic, and Political Change in 43 Societies. – Princeton University Press, 1997.
4. Коломинский Ю.Л. Психология взаимоотношений в семье. – Москва: Просвещение, 1984.
5. Мудрик А.В. Социализация человека. – Москва: Академия, 2000.
6. Сухомлинский В.А. Сердце отдаю детям. – Киев: Радянська школа, 1974.

7. Тоффлер А. Шок будущего. – Москва: АСТ, 1970.
8. Шамсиев Ў.Б. “Оилавий муносабатлар тизимида боланинг ўзини-ўзи англаш жараёни” Ўқув-услубий қўлланма “Мумтоз сўз” нашриёти, 2012 йил, 52-бет.
9. Шамсиев Ў.Б. “Оилавий холдинг – бола ижтимоийлашувининг психологик механизми”: монография// “Тошкент кимё-технология институти”. Ташкент: Наврӯз, 2018. 124 с.
10. Шамсиев Ў.Б. Оиласда мактабгача ёшдаги бола шахси ўзини-ўзи англашининг ижтимоий-психологик омиллари: Психол.фанлар номзоди... дисс.: – Т., 2010 – 127 б.
11. Шамсиев Ў.Б., Шамсиева М.Б. “Оилавий холдинг ва шахс генезиси” Ўқув-услубий қўлланма “ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси” босмахонаси, 2016 йил, 46-бет.
12. Шамсиева М.Б. Умумий тилишунослик курси / Фердинанд де Соссюр. Рус тилидан таржимаси; масъул муҳаррир Ҳ. Болтабоев. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2017. – 68 б.
13. Эриксон Э. Childhood and Society. – New York: W.W. Norton & Company, 1982.
14. Юнусова А.Қ. Ўзбек оиласида маънавий тарбия анъаналари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий университети нашри, 2005.